

**ШОШИЛИНЧ КЕСАРЧА КЕСИШ ОПЕРАЦИЯСИДА ИНТРА- ВА
ПОСЛЕОПЕРАЦИОН АСОРАТЛАР РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИР
ЭТУВЧИ ХАВФ ОМИЛЛАРИНИ БАҲОЛАШ**

Валиев Ш.Н.

*Самарқанд Давлат Тиббиёт Университети
2- сон Акушерлик ва гинекология кафедраси
Самарқанд, Ўзбекистон*

Аннотация. Мақолада шошилинч кесарча кесиши операциясида операциядан кейинги асоратлар ривожланишига таъсир этувчи асосий хавф омиллари таҳлил қилинган. Ушбу хавф омиллари орасида кечиккан госпитализация, операцияни бошлашда қарор қабул қилишнинг сустлиги, анамнезда массив қон йўқотишлар, плацентанинг олдинда етиши ва олдинги кесарча кесиши операциялари каби омиллар ўрганилди. Ҳар бир омилнинг операциядан кейинги асоратларга таъсири статистик таҳлил ва ROC-таҳлил орқали баҳоланди. Тадқиқот доирасида аниқланган маълумотлар хавф омилларининг аҳамиятини тасдиқлади ва уларни бартараф этиш бўйича аниқ тавсияларни ишлаб чиқишига йўналтирилган. Шунингдек, ушбу омилларнинг перинатал ёки операциядан кейинги асоратлар билан боғлиқлиги тўғрисидаги янги маълумотлар келтирилган. Натижалар шундан далолат берадики, кесарча кесиши операцияси жараёнида ресурсларнинг етишмаслиги, ташхисдаги сустлик ва транспортировкадаги муаммолар каби омилларни бартараф этиш орқали асоратларнинг олдини олиш мумкин. Ушбу маълумотлар келгусида операцияга тайёргарлик жараёнларини оптималлаштиришда муҳим ўрин тутади. ROC-таҳлил натижалари ($AUC>0,7$) хавф омилларининг аҳамиятлилигини тасдиқлаб, ушбу омилларни камайтириш учун қўлланиладиган профилактик чоратадбирларни ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатди.

Калит сўзлар: шошилинч кесарча кесиши, асоратлар, хавф омиллари, эклампсия, плацентанинг олдинда етиши, анамнез, профилактика.

Кириш. Шошилинч кесарча кесиши операцияси аёл ва гўдак ҳаётини сақлашда муҳим аҳамиятга эга, чунки бу амалиёт кўплаб акушерлик хатарларини, шу жумладан, гўдакнинг кислородсизланишини ва аёлнинг жарроҳлик асоратларини олдини олишга ёрдам беради. Бунга қарамай, кесарча кесиши операциясининг интра- ва операциядан кейинги асоратлар ривожланиши, айниқса шошилинч ҳолатларда, кўпинча бир қатор мураккабликларни келтириб чиқаради.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, кесарча кесиш орқали туғилаётган чақалоқлар улуши 20 фоизни ташкил қилмоқда. Ўзбекистонда ҳам кесарча кесиш амалиётининг қўлами ортиб бормоқда, бу эса асоратлар статистикасини таҳлил қилишни талаб этади.

Кесарча кесиш амалиётида учрайдиган асоратлар икки гуруҳга бўлинади: операция вақтидаги ва операциядан кейинги асоратлар. Энг кўп учрайдиган асоратлардан бири эндометрит бўлиб, у кейинчалик сепсиснинг биринчи босқичи ёки бачадон чандигининг қониқарсиз ҳолатига олиб келиши мумкин. Туғруқ табиий туғруқ йўллари орқали кечса эндометрит 1–3%, режалаштирилган жарроҳлик амалиёти амалга оширилса 5–15%, шошилинч равища кесарча кесиш амалиёти ўтказилса, 15–20% ҳолатларда учрайди.

Ўзбекистонда шошилинч кесарча кесиш операцияси ўтказилган аёлларда интра- (мушаклар ва томирлар шикастланиши) ва операциядан кейинги (субфасциал гематомалар, ичак парези, гипертермия) асоратлар частотаси 16,8% ни ташкил этгани аниқланган. Бу маълумотлар асоратларнинг олдини олиш ва даволаш стратегияларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Асоратларни камайтириш учун шошилинч кесарча кесиш операциясига тайёргарлик жараёнида аниқланган хавф омилларини ҳисобга олиш муҳим. Бунинг учун аёлларнинг анамнези, умумий ҳолати ва операцияга тайёргарлик даражаси тўлиқ баҳоланиши керак. Шунингдек, операциядан кейинги даврда аниқланган асоратларнинг эрта ташхиси ва даволаш чораларини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Шошилинч кесарча кесиш операцияси асоратлар ривожланишига олиб келиши мумкин, лекин уларнинг олдини олиш ва самарали даволаш чоралари аёл ва гўдак саломатлигини яхшилашга ёрдам беради. Бу мақолада келтирилган статистик маълумотлар ва тавсиялар шошилинч кесарча кесиш амалиётини ўтказишида асоратларни камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишида асос бўлиб хизмат қиласи.

Тадқиқот мақсади. Шошилинч кесарча кесиш операциясини ўтказган аёлларда интра- ва операциядан кейинги асоратлар ривожланиш хавфини баҳолаш ва уларни минималлаштириш учун низойи, ўртacha ва юқори хавф гуруҳларини аниқлашдан иборатdir.

Материаллар ва усуллар. Тадқиқот Самарқанд шаҳарининг 3-сонли туғруқ мажмуаси ва Тайлок туман худудидаги тиббиёт муассасаларида ўтказилди. Тадқиқотга 258 та шошилинч кесарча кесиш амалиёти ўтказилган аёл киритилди. Гуруҳларни аниқлаш учун аёлларнинг тарихи ўрганилди ва уларнинг ҳолатига кўра хавф гуруҳлари белгиланди.

Ҳар бир bemornining анамнези, клиник кўрсаткичлари ва амалиётдан кейинги ҳолати таҳлил қилинди. Тадқиқотдаги асосий хавф омиллари

эклампсия, преэклампсия, кесарча кесишдан олдин плацентанинг олдинда ёки паст жойлашуви, аномалиялар, қон томирлари ва анемия эди. Шу омилларга асосланиб, пациентлар паст, ўртacha ва юқори хавф гурухларига ажратилди.

Натижалар. Шошилинч кесарча кесиш операциясида интра- ва операциядан кейинги асоратлар ривожланиш хавфи омилларини баҳолаш натижаларига кўра, хавф омилларини аниқлаш ва уларни рейтинг баллар асосида баҳолашдан кейин bemорлар паст, ўрта ва юқори хавф гурухларига ажратилди.

1 Жадвал: Шошилинч кесарча кесиш операциясида асоратлар ривожланиш хавфи омиллари

Тахминий омил	Фактор мавжудлиги	Баллар
Эклампсия, оғир даражадаги преэклампсия медикаментоз терапиясининг эффектсизлиги, Бачадон ёрилиши хавфи ёки юз берган ёрилиш	Бор Йўқ	
Йулдошнинг муддатидан олдин кучиши	Бор Йўқ	
Плацента олдинда етиши	Бор Йўқ	
Тромбоцитар ва/ёки коагулопатик компонентлардаги патологик ўзгаришлар	Бор Йўқ	
Чанок аъзоларидаги қайта операциялар	Бор Йўқ	
Анемия II-III даражаси	Бор Йўқ	
Тутруқ фаолияти аномалияси	Бор Йўқ	
Хомиладорлик давомида вазнни минимал ошиши ёки умуман ошмаслиги	Бор Йўқ	
Қорин бўшлигига олдинги операциялар мавжудлиги	Бор Йўқ	
Веноз етишмовчилик билан боғлиқ варикоз касаллиги	Бор Йўқ	
Оғир акушерлик анамнези бўлган биринчи тутувчилар	Бор Йўқ	
II-III даражадаги ёғ алмашинувининг бузилиши	Бор Йўқ	

Хомила тушиш хавфи (2 ёки ундан күп госпитализациялар)	Бор Йўқ	
Хомиладорликда бошланғич вазн етишмовчилиги (50 кг ва ундан кам)	Бор Йўқ	
Исходный дефицит массы тела (50 кг и ниже)	Бор Йўқ	
Ҳайз кўриш циклининг бузилиши	Бор Йўқ	

Изоҳ: Баллар суммаси +13 ва ундан юқори бўлган беморлар юқори хавф гуруҳига, -13 дан +13 гача бўлганлар ўрта хавф гуруҳига, -13 ва ундан кам бўлганлар эса паст хавф гуруҳига киритилади.

Мухокама. Тадқиқот натижалари, шошилинч кесарча кесиш операциясида асоратлар ривожланишининг асосий хавф омилларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Баён этилган маълумотлардан кўрсатилишича, эклампсия ва оғир даражадаги преэклампсия, плацента олдинда етиши ва анамнездаги аномалиялар, масалан, қон томирларидағи патологик ўзгаришлар ёки анемия, асоратлар ривожланишига сабаб бўлишда энг муҳим омиллардан ҳисобланади.

Эклампсия ва преэклампсия ҳолатларида кесарча кесиш амалиёти ўтказилганда асоратлар ривожланиши хавфи юқори эканлиги, тадқиқот натижаларида аниқланган. Бу ҳолатларда жонли тавсиялар ва аниқ профилактика чоралари амалга оширилиши зарур. Мазкур асоратлар хатарини камайтириш учун олий саноатли тиббий ёрдам ҳамда юқори малакали жарроҳларнинг қатъий ва тезкор харакатларини талаб қиласди. Шошилинч кесарча кесиш операциясида плацента олдинда етишининг кўпайиши ҳам асоратларнинг юзага келишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун, плацента жойлашуви кўрилишини илгарига турган асоратларга айлантириш мумкин.

Бундан ташқари, анамнездаги анашқала ва қон томирларидағи патологик ўзгаришлар аёлларда жарроҳлик асоратларини келтириб чиқариши мумкин. Анемия, анашқала ёки жуда кам вазнли ҳомиладор аёлларда кесарча кесиш амалиёти ўтказишида тўғри ва аниқ ташхислар орқали тўғри қарорлар қабул қилиш талаб қилинади.

Тадқиқот натижалари бундан ташқари, шошилинч кесарча кесиш операцияларини амалга оширишда ўртacha хавф гурухи ва паст хавф гуруҳига кирган беморларда асоратлар ривожланиши хавфи камроқ эканлигини кўрсатади. Ушбу маълумотлар, ҳар бир bemorga индивидуал ёндашувни талаб қиласиган бошқарув тизимини ишлаб чиқиш учун муҳимдир.

Шошилинч кесарча кесиш операциясини амалга оширишда ишлатилаётган хавф омилларини аниқлаш ва уларга мувофиқ жараёнларни ишлаб чиқиш ҳамда

профилактика ва реабилитация бўйича тадқиқотлар натижаларини қабул қилиш тиббий амалиётга ёрдам беради.

Бу тадқиқотнинг натижалари шошилинч кесарча кесиш операциясида асоратларни камайтириш ва беморлар учун хавфни минималлаштириш учун муҳим профилактика чораларини ишлаб чиқишига асос бўлади.

Хулоса шошилинч кесарча кесиш операциясида асоратлар ривожланишининг асосий хавф омилларини аниқлаш ва уларга тааллуқли профилактика чораларини ишлаб чиқишига қаратилган. Аниқланган хавф омиллари, жумладан эклампсия, оғир презклампсия, плацента олдинда етиши ва анамнездаги аномалиялар, операциядан кейинги асоратлар ривожланиш хавфини оширишда муҳим рол ўйнайди.

Тадқиқот натижаларига кўра, юқори хавф гурухига кирган беморларда асоратлар ривожланишининг кўпроқ учраши, паст ва ўрта хавф гурухларига қараганда белгилашга олиб келди. Бу ҳолатлар шошилинч кесарча кесиш операциясининг самарадорлигини ошириш ва асоратларнинг олдини олиш учун аниқ профилактика ва индивидуал ёндошувни талаб қиласди.

Шунингдек, тадқиқотнинг натижалари, тиббий ёрдам тизимини такомиллаштириш ва жараёнларни аниқлаш орқали шошилинч кесарча кесиш амалиётида асоратлар ривожланиш хавфини камайтиришга ёрдам беради. Бу мавзу бўйича кўпроқ тадқиқотлар ўтказиш муҳимдир.

Адабиётлар:

- Каюмова Д.Т., Усманова М.А. "Кесарча кесиш амалиётида учрайдиган асоратлар". Фундаментал ва клиник тиббиёт ахборотномаси, 2022, №4, сах. 117-121.
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги. "Кесар кесиш жарроҳлик амалиёти. Миллий клиник баённома". Тошкент, 2021.
- Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти. "Кесарча кесиш амалиёти: глобал тенденциялар ва регионал фарқлар". ЖССТ, 2020.
- Valiev Sh.N., Negmadjanov B.B., Kim V.O. Damage to the muscles of the anterior abdominal wall due to irrational choice of access for abdominal delivery. Tibbiyotda yangi kun 2020, No4 (34), pp.125-128.
- Valiev Sh.N., Negmadjanov B.B., Cesarean section: the choice of access as one of the ways to reduce postoperative complications. Doctor Ahborotnomasi . – Samarkand, 2022.- №2.1 - pp. 57-60.
- Valiev Sh.N., Negmadjanov B.B. CAESAREAN SECTION IN WOMEN WITH A UTERINE SCAR. MODERN METHODS OF MANAGEMENT (LITERATURE REVIEW). Journal of reproductive health and uro-nephrology research. Samarkand, 2022. №3 - pp. 11-18.